

**ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА ИЛМНИНГ МОҲИЯТИ, ФАЗИЛАТИ ВА МАРТАБАЛАРИ ВА БУ БОРАДА ҲОЖИ ХАЛИФАНИНГ “КИТОБЛАР ВА ТУРЛИ ИЛМ СОҲАЛАРИ НОМЛАРИНИ БАЁН ҚИЛИШ (ОЧИБ БЕРИШ)” АСАРИДАГИ НАЗАРИЙ – МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ.**



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-22-118-124>

**Исамитдинов Элбек Анварович**

*Шарқ фалсафаси ва герменевтика кафедраси*

*Тасаввуф герменевтикаси мутахассислиги*

*2–курс магистранти*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада ислом таълимотида “илм” тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг фазилати, инсон ҳаётидаги ўрни ва таълим жараёнидаги аҳамияти манбалар асосида таҳлил қилинади. Хусусан, классик уламоларнинг илмга берган таърифлари, унинг лугавий ва истилоҳий маънолари ёритилади. Шунингдек, Куръон оятлари ва ҳадислар асосида илмнинг фазилати, инсон камолотидаги ўрни ҳамда маънавий тарбиядаги аҳамияти очиб берилади.*

*Мақолада илмнинг лаззати, фойдаси ва инсон ҳаётига таъсири, шунингдек, айрим илмларнинг қораланишига сабаб бўлган омиллар танқидий таҳлил қилинади. Бундан ташқари, илмларнинг таълим жараёнидаги тартиби, уларнинг ўзаро муносабати ва устуворлик даражалари, фарзи айн ва фарзи кифоя тушунчалари асосида изоҳланади. Илмларнинг жамият эҳтиёжларига кўра аҳамияти турлича бўлиши ва уларнинг амалий ҳаётдаги ўрни ҳам кўрсатиб ўтилади.*

*Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, илм нафақат маънавий камолот манбаи, балки жамият тараққиёти ва барқарорлигини таъминловчи муҳим омилдир.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *илм, маърифат, фазилат, ислом таълимоти, тавҳид, фикҳ, мантиқ, ахлоқ, тарбия, фарзи айн, фарзи кифоя*

**Аннотация:** *В данной статье на основе источников анализируется содержание и сущность понятия «знание» в исламском учении, его достоинства, роль в жизни человека и значение в образовательном процессе. В частности, освещаются определения знания, данные классическими учёными, а также его лексические и терминологические значения. Кроме того, на основе аятов Корана и хадисов раскрываются достоинства знания, его место в духовном совершенствовании человека и значение в нравственном воспитании.*

*В статье также проводится критический анализ наслаждения знанием, его пользы и влияния на жизнь человека, а также факторов, по которым некоторые виды знаний подвергались осуждению. Помимо этого, разъясняется порядок наук в образовательном процессе, их взаимосвязь и степень приоритетности на основе понятий фарду айн (индивидуальной обязанности) и фарду кифоя (коллективной обязанности). Показано также, что значимость*

наук может различаться в зависимости от потребностей общества и их роли в практической жизни.

Результаты исследования показывают, что знание является не только источником духовного совершенства, но и важным фактором, обеспечивающим развитие и стабильность общества.

**Ключевые слова и выражения:** знание, познание (глубокое знание, осознание, достоинство, добродетель, исламское учение, единобожие (монотеизм), исламское право (юриспруденция), логика, нравственность, этика, воспитание, индивидуальная обязанность, коллективная обязанность.

**Abstract:** This article analyzes, based on primary sources, the essence and content of the concept of “knowledge” in Islamic teachings, its virtues, its role in human life, and its significance in the educational process. In particular, it highlights the definitions of knowledge provided by classical scholars, as well as its lexical and terminological meanings. Furthermore, drawing on Qur’anic verses and hadiths, the article elucidates the virtue of knowledge, its role in human spiritual perfection, and its importance in moral upbringing.

The article also provides a critical analysis of the pleasure and benefits of knowledge, its impact on human life, and the factors that have led to the criticism of certain types of knowledge. In addition, it explains the classification and order of sciences within the educational process, their interrelationships, and their degrees of priority based on the concepts of *fard ‘ayn* (individual obligation) and *fard kifayah* (collective obligation). It also demonstrates that the significance of various sciences differs according to the needs of society and highlights their role in practical life.

The findings of the study show that knowledge is not only a source of spiritual perfection but also a key factor in ensuring societal development and stability.

**Keywords:** knowledge, gnosis (deep understanding, awareness), virtue, excellence, Islamic teachings, monotheism (oneness of God), Islamic jurisprudence, logic, ethics, morality, upbringing, education (moral training), individual obligation (*fard ‘ayn*), collective obligation (*fard kifayah*).

## КИРИШ

“Илм” сўзи араб тилида бир нарсанинг бошқасидан ажратиб турадиган белгиси маъносини англатади. Бинобарин, илм – таълим ўрганувчининг кўп такрорлаши сабабли унинг шахсиятига таъсир ўтказувчи омил эканини билиб оламиз. Луғат илмининг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлган Ибн Манзур: “Илм жоҳилликнинг акси бўлиб, у бир нарсанинг бошқалардан ажралиб турувчи белгисини билиб олишдир” деган. Илмнинг истилоҳий маъноси қуйидагича: Журжоний ўзининг “Таърифот” асарига: “Илм воқеликка мувофиқ бўлган жазмли эътиқоддир” деган.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳи айтади: “Илм бир нарсани худди ўзидек идрок қилишдир”. Илм ва унга боғлиқ маъноларни ифода этган ояти карималарнинг сони уч юз етмиш тўққизтадир. Биз ушбу ўринда уларнинг

баъзиларинигина келтириб ўтамыз. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина кўрқарлар” (Фотир сураси, 28-оят).

Ҳожи Халифа дейди: Илмнинг даражалари, унинг шарафи ва унга боғлиқ масалалар бор бўлиб, унда бир неча маълумотлар бор.

Биринчи маълумот: Илмнинг шарафи ва фазилати ҳақида ва бу борада келган оят ва ҳадислардан унинг машҳурлиги ва далилларининг кучлилиги сабабли озгинаси билан чекландим<sup>1</sup>.

Аллоҳ таоло айтади: “Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни ва илм берилганларни даражалар билан кўтаради”. Яна айтади: “Айт: билганлар билан билмаганлар тенг бўладими?”<sup>2</sup>. Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, у киши деди: Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “Илмни ўрганишлар, Чунки уни Аллоҳ учун ўрганиш — кўрқув (хашият), уни талаб қилиш — ибодат, уни такрорлаш — тасбеҳ, уни излаш — жиҳод, уни билмаганга ўргатиш — садақа, ва уни аҳлига бериш — Аллоҳга яқинликдир”<sup>3</sup>.

Чунки илм ҳалол ва ҳаромни ажратувчи белги, жаннат аҳли йўлларининг нуридир. У ёлғизликда ҳамдам, ғарибликда дўст, хилватда суҳбатдош, қийинчилик ва осойишталикда йўл кўрсатувчидир. У душманларга қарши қурол ва дўстлар орасида зийнатдир. Аллоҳ таоло илм билан айрим қавмларни юксалтиради, уларни яхшиликда етакчи ва имом қилади. Уларнинг изларидан юрилади, амалларига эргашилади. Фаришталар улар билан бўлишни истади ва қанотлари билан уларни силайди. Ҳар бир ҳўл ва куруқ нарса улар учун истиғфор айтади, ҳатто денгиз балиқлари, майда жонзотлар, куруқлик ҳайвонлари ва чорва моллари ҳам. Чунки илм — қалбларни жаҳолатдан тирилтирувчи ҳаёт ва кўзларни зулматдан чиқарувчи нурдир.

Банда илм билан яхши инсонлар даражасига ва дунё ҳамда охиратда юқори мартабаларга етади. Илм ҳақида тафаккур қилиш — рўзага тенг, уни ўрганиш — қиёмга (тун ибодатига) тенг. У билан қариндошлик боғланади, ҳалол ва ҳаром танилади. Илм — пешво, амал эса унга эргашувчидир. У бахтли кишиларга илҳом қилинади ва бахтсизлар ундан маҳрум қилинади”<sup>4</sup>.

Бу ҳадисни Ибн Абдул Барр ўзининг “Жомий баён ал-илм” китобида санади билан ривоят қилган ва “Бу жуда яхши ҳадис, аммо санадида заифлик бор” деган.

Иккинчи маълумот (الإعلام الثاني):

Илмнинг лаззатларнинг энг лаззатлиси ва энг фойдалиси эканлиги ҳақида. Бу ерда икки таълим бор. Биринчи таълим: Илмнинг лаззати ҳақида.

Билгинки, бир нарсанинг шарафи ё ўзи учун, ёки бошқаси учун бўлади. Илм эса ҳар икки шарафни ҳам ўзида жамлаган. Чунки у ўз-ўзидан лаззатли — шунинг

<sup>1</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٤

<sup>2</sup> Муфтий Усмонхон Алимов. “Тафсири Ирфон”. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт — матбаа ижодий уйи. Тошкент — 2018 й 22 — 25 жузлар. Б 234.

<sup>3</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٤

<sup>4</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٤

учун ўзи учун талаб қилинади; ва бошқаси учун ҳам лаззатли – шунинг учун унинг натижаси учун ҳам талаб қилинади<sup>5</sup>

Ўзига хос лаззат эканлиги эса аҳли илмга махфий эмас: ундан юқори лаззат йўқ. Чунки у руҳоний лаззат бўлиб, соф лаззатдир. Жисмоний лаззатлар эса аслида оғриқни даф этишдир. Масалан, овқатланиш лаззати – очлик оғриғини кетказиш, жинсий лаззат – тўлиш оғриғини бартараф этишдир.

Аммо руҳоний лаззат бундай эмас. У жисмоний лаззатлардан кўра лаззатлироқ ва ширинроқдир. Шунинг учун иккинчи имом – Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний мураккаб илм масалалари ҳал бўлган пайтда шундай деб қўяр эди: “Подшоҳлар фарзандлари бу лаззат қаерда эканини билармиди!”<sup>6</sup>.

Айниқса, фикр юритиш малакут ҳақиқатлари ва лоҳут сирлари ҳақида бўлса. Илмнинг азизликка боғлиқ лаззатларидан яна бири шуки: уни мансабдан тушириш ёки тайинлаш мумкин эмас. У доимийдир ва унда ҳеч ким билан рақобат йўқ, чунки маълумотлар кўпайгани сари кенгайди<sup>7</sup>.

Шу билан бирга, биз кўрамизки, ҳатто жоҳил ҳукмдорлар ҳам аҳли илмга берилган иззатни орзу қиладилар. Лекин ҳайвоний тўсиқлар бу даражага етишга тўсқинлик қилади<sup>8</sup>. Илмнинг бошқа (иккинчи тур) лаззатлари: Агар у охират учун бўлса – у энг буюк охират лаззатларига ва абадий саодатга олиб боради. Дунёда эса – у иззат, ҳайбат, ҳукмнинг ўтиши (таъсир кучи) ва табиатан ҳурматга сазовор бўлишни келтиради. Чунки сен кўрасанки, ҳатто туркларнинг нодонлари ва арабларнинг кўполлари ҳам ўз табиатларига кўра тажриба орқали билим олган кексаларини ҳурмат қиладилар<sup>9</sup>. Ҳатто ҳайвон ҳам инсонни табиатан ҳурмат қилади, чунки у инсонда ўзидан юқори бўлган камолни ҳис қилади. Шунинг учун инсон уни фақат бир бақариш билан ҳам бошқара олади, гарчи ҳайвоннинг кучи инсонникидан бир неча баробар кўп бўлса ҳам.

Учинчи маълумот (الإعلام الثالث):

Илм ҳақида гумон қилинадиган зарарларни рад этиш ва унинг нега баъзан қораланиши сабаблари ҳақида.

Билгинки, ҳеч бир илм – илм бўлгани жиҳатидан зарарли эмас. Шунингдек, ҳеч бир жаҳолат – жаҳолат бўлгани жиҳатидан фойдали эмас. Чунки ҳар бир илмда муайян фойда бор: ё охират ишларида, ё дунёвий тирикчиликда, ё инсон камолотида. Лекин баъзи илмлар ҳақида “зарарли, фойдасиз” деган гумон пайдо бўлади. Бу эса илм ва олимларга тааллуқли шартлар эътиборга олинмагани сабабли юзага келади. Чунки ҳар бир илмнинг ўз чегараси бор – у чегарадан ошмайди. Шунингдек, хатога олиб борувчи бир неча ҳолатлар бор. Илмга унинг ҳақиқий имкониятидан ортиқ нарса нисбат бериш. Масалан, тиб илми барча касалликларни даволайди, деб ўйлаш – бу нотўғри. Чунки баъзи касалликлар даволанади, баъзилари эса йўқ.

<sup>5</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٤

<sup>6</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٥

<sup>7</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٥

<sup>8</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٥

<sup>9</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٥

Илмга унинг даражасидан юқори шараф бериш. Масалан, фикҳни барча илмлардан устун, деб ўйлаш – бу ҳам нотўғри. Чунки тавҳид илми ундан, шубҳасиз, афзалдир. Илмни ўз ҳақиқий мақсадидан бошқа нарса учун ўрганиш. Масалан, кимдир илмни мол ёки обрў учун ўрганса – бу нотўғри. Чунки илмнинг асосий мақсади ҳақиқатларни билиш ва ахлоқни поклашдир. Бундай киши ҳақиқий олим эмас, балки олимга ўхшаш бир шахсдир<sup>10</sup>.

Мовароуннахр уламоларига шу ҳолат ошкор бўлганида, улар Бағдодда мадрасалар қурилаётганини эшитиб, илм учун мотам тутдилар. Улар дедилар:

“Илм илгари олий ҳимматли ва пок қалбли инсонлар томонидан, унинг шарафи ва камолоти учун ўрганилар эди. Шунда фойдали олимлар етишар эди. Аммо илм учун ҳақ белгиланса (маош қилинса), унга паст табақали ва ялқов кишилар интилади ва бу илмнинг қадри тушишига сабаб бўлади”<sup>11</sup>.

Шу сабабли ҳикмат илмлари (фалсафий илмлар), гарчи ўз-ўзидан шарафли бўлса-да, тарк этилди.

Яна бир сабаб: илмни унинг аҳли бўлмаганларга арзонлаштириш (камситиш). Масалан, тиб илми аввал пайғамбарликдан мерос бўлган ҳикмат эди. Кейин у камситилди, чунки у билан нолойиқ кишилар шуғуллана бошлади. Улар илмни шарафламади, балки улар илмни қадрсизлантирди.

Афлотуннинг гўзал сўзи бор: “Фазилат ёмон табиатли нафсда разилликка айланади, худди яхши озуқа касал баданга бориб фасодга айланганидек”<sup>12</sup>.

Шу каби ҳолатлардан яна бири – нужум илми (астрономия)дир. Илгари бу илм билан фақат уни чуқур билган олимлар подшоҳлар учун шуғулланар эдилар. Кейин эса у қадрсизланиб, асосан жоҳиллар томонидан ёлғонларини тарқатиш учун ишлатиладиган бўлди. Яна бир сабаб: баъзи илмлар жуда юксак ва қийин бўлиб, уларнинг ҳақиқий мақсадига кам одам етади, лекин баъзилар бу илмларни сохта йўл билан ўз манфаати учун ишлатишга уринади. Бу ҳол кимё, симё, сеҳр ва тилсимот каби илмларда кўп учрайди. Аслида эса, бундай сирларни билган киши уларни ҳатто энг яқинларидан ҳам яширади ва бу табиий ҳол. Яна бир сабаб: жоҳил, лекин ўзини олим қилиб кўрсатадиган киши илмни қоралайди. Чунки инсон билмаган нарсасини инкор этади ва унга душманлик қилади. Айтилганидек: “Инсон билмаган нарсасининг душманидир”<sup>13</sup>. Ёки баъзи олимлар бошқаларга нисбатан таассуб (бирёқлама қараш) қилиб, маълум илмларни қоралайдилар. Масалан, мантиқни у илмлар мезони бўлсада, ҳаром дейишади. Ёки фалсафани қоралайдилар, ҳолбуки у нарсаларнинг ҳақиқатини билишдан иборат бўлиб, у ерда шариятга зид бўлган нарсалар жуда оз<sup>14</sup>.

Ҳанафийлар китобларида мантиқни мутлақо ҳаром деган гап йўқ. Агар шундай фикр бўлса, уни аниқ келтириш лозим эди. Шофеъийлар китобларида эса бундай таъқиқлар эҳтиёт чораси сифатида (яъни одамларни чалғимаслиги учун) айтилган. Эҳтимол, баъзи имомлар айрим илмларни ўргатиш ёки

<sup>10</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٧

<sup>11</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٧

<sup>12</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٧

<sup>13</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٨

<sup>14</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٨

ўрганишни ман этишгани – ақли заиф кишиларни бефойда машғулотлардан сақлаш учундир. Чунки бундай илмлар уларга фойда бермаслиги мумкин.

Акс ҳолда, агар бир илмни улар “ўз – ўзидан ёмон” деб ҳисобласалар ҳам, уни ўрганишнинг камида бир фойдаси бор ва у ҳам бўлса, шу илмни қоралаётганларнинг гапини рад этиш имконини беради<sup>15</sup>.

Тўртинчи маълумот (الإعلام الرابع): Илмларни таълимда тартиблаш (мартабалари) ҳақида. Билиб қўйиш керакки, таълимда энг муҳимидан бошлаб, кейинги муҳимларига ўтилади. Восита (сабаб) мақсаддан олдин келади. Масалан, лафзий (сўзга оид) масалалар маънавий масалалардан олдин ўрганилади, чунки сўзлар маъноларга етишиш воситасидир. Шунингдек, адаб (тил ва услуб) илми аввал, ундан кейин мантик, сўнгра усул ал – фикҳ, кейин эса хилоф (ихтилофлар илми) каби илмлар келади. Илмнинг бошқа илмдан олдин қўйилиши уч сабабга боғлиқ:

1. Муҳимлиги жиҳатидан: Масалан, фарзи айн (ҳар бир шахсга вожиб) илмлар фарзи кифоядан устун. Фарзи кифоя эса мандубдан, у эса мубоҳдан устундир.

2. Восита бўлгани учун: Илгариги айтилганидек, восита бўлган илм аввал ўрганилади. Масалан, наҳв (грамматика) мантиқдан олдин келади.

3. Мавзуси жиҳатидан: Агар бир илм бошқа илмнинг бир қисми бўлса, у аввал ўрганилади. Чунки қисм бутундан олдин келади. Масалан, сарф (морфология) наҳвдан олдин. Баъзан эса бир илм бошқасидан олдин қўйилади, лекин бу юқоридаги сабаблардан эмас, балки ақлий машқ (фикрни чархлаш) учун. Масалан, қадимги уламолардан айримлари аввал ҳисоб илмини ўргатганлар. Кўп ҳолларда осонроқ илмдан бошланади. Шунинг учун кўп муаллифлар китобларида наҳвни сарфдан олдин келтирганлар. Балки улар наҳвга бўлган эҳтиёж кучлироқ эканини инобатга олганлар<sup>16</sup>.

Шунингдек, фарзи кифоя илмлари ҳам ҳар доим бир хил даражада эмас, балки уларнинг аҳамияти замон ва маконга қараб ўзгаради. Масалан, бир шахарда меросни тақсимлашни биладиган фақат бир – икки киши бўлса, лекин йигирмата фақиҳ бўлса, у ерда “ҳисоб” (арифметика)ни ўрганиш усул ал – фикҳдан кўра муҳимроқ бўлади ва арифметикани ўрганиш фарзи айнга айланади.

Билиб қўйингки: Фарзи айн – ҳар бир инсон ўз шахсий ҳаётида шариат талаб қилган илмларни билиши (масалан, ибодат қоидалари).

Фарзи кифоя – жамоадан кимдир бажарса, бошқалардан соқит бўладиган илмлар. Кенг тарқалган фикрга кўра, фарзи кифоя бўлган илмлар – дунё ишлари ва шариат қоидалари барқарор бўлиши учун зарур бўлган илмлардир.

Жумладан: Қуръон ва суннатни тушуниш ва уларни ўзгаришдан сақлаш, эътиқодни далиллар билан мустаҳкамлаш ва шубҳаларни рад этиш, Фарзлар, аҳкомлар ва инсон нуқсонларини билиш, бадан соғлиги, ахлоқ ва сиёсатни сақлаш. Шу мақсадларга етказувчи восита илмлар ҳам шу жумлага киради, масалан: тил, сарф, наҳв, тиб (медицина), маъоний ва баён (балоғат илмлари),

<sup>15</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٨

<sup>16</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٨

мантик, фалакёт (юлдузлар ҳаракати), насабшунослик, ҳисоб ва бошқалар. Бу илмларнинг аҳамияти эса инсонлар эҳтиёжига қараб турлича бўлади<sup>17</sup>.

Хулоса:

Хулоса қилиб айтганда, ислом таълимотида илм алоҳида юксак мақомга эга бўлиб, у инсон камолоти ва жамият тараққиётининг асосий омили сифатида қаралади. Мақолада таҳлил қилинган манбалар шуни кўрсатадики, илм нафақат ҳақиқатни англаш воситаси, балки инсонни маънавий жиҳатдан юксалтирувчи, унинг ахлоқий камолотини таъминловчи муҳим кучдир.

Шунингдек, илмнинг лаззати ва фойдаси ҳақидаги қарашлар унинг рухий-ахлоқий аҳамиятини янада мустаҳкамлайди. Илмнинг баъзан қораланиши эса унинг ўзи билан эмас, балки нотўғри тушуниш, номуносиб мақсадларда қўллаш ёки аҳли бўлмаганлар томонидан эгалланиши билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Таълим жараёнида илмларнинг тартибли равишда ўрганилиши, уларнинг аҳамияти ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Фарзи айн ва фарзи кифоя тушунчалари орқали илмларнинг жамиятдаги ўрни ва зарурият даражаси белгилаб берилади.

Натижада, илм инсонни жаҳолатдан қутқарувчи нур, жамиятни тараққий эттирувчи куч ва инсон ҳаётини маъноли этувчи асосий омил сифатида намоён бўлади. Шу боис, уни ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳар бир жамият учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

<sup>17</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون حاجي خليفة ص ١٨